

Кироат бобида «Гуня» китобини ёзган. Айтиладики, у киши кўп ўлкаларга бориб, кироат илмини ўқиб келган ва бу унинг кўп сафар қилганига далолатдир. У зотнинг ўзи бундай дейди: «Машойхларнинг номларини зикр қилишга берилиб кетишимнинг боиси улар билан фахрланиш, ҳақларига дуо қилишга тарғиб этиш ва уларга иқтидо қилмоқчи бўлганларга билдириш ҳамда мен кироатни бир томондан ёки битта йўлдан олмаганимни англатиш учун, чунки кўп имомлардан ривоят қилинадики, ким кироат ёки ривоятни биргина йўлдан олса, кироатнинг хидини ҳам хидламабди».